

**ХИЗБУТ
ТАҲРИРНИНГ
ЁЙИЛИШ НУҚТАСИ**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ҳизб ут-Тахрирнинг

Ёйилиш нуқтаси

Ҳизб ут-Тахрир ўзининг энг хатарли босқичини ва ўта нозик дастлабки даврини катта муваффакият билан босиб ўтди. У ёйилиш нуқтаси томон йўналгани каби жамиятда кенг қамровли фикрий ва шуурий инқилобни пайдо қилувчи фаол ҳизб сифатида жамиятга ўзини тақдим этувчи ҳизбга айланиш томон йўналмокда. Умматга хитоб қилиш ва жамиятда фаолият олиб бориш унинг зарурий ишига айланди. Гарчи ёйилиш нуқтаси ҳизбнинг ҳаракатига кўра табиий ҳолда юзага келса ҳам, бироқ у хатарли ва нозик бўлиб, қатъий равищда ёйилишга олиб борадиган муваффакиятли уринишга мухтож бўлади. Бу уриниш эса ўта нозикдир. Чунки у жамиятда содир бўладиган бўронларни босиб ўтди. Ҳизб ушбу уринишни муваффакият билан босиб ўтиши билан уни босқичига олиб боради.

Ҳизб ушбу босқичда золимлар, ажнабий сақофат билан сугорилган кимсалар ва ҳоким гурухларга юзма-юз йўлиқади. Ҳизб улар билан қасдан тўқнашмайди ва уларнинг ўзига душман, деб ҳисобламайди. Балки дикқат эътиборини фақат мустамлакачи кофирларга қаратади. Чунки улар Умматнинг ягона душманидир. Ҳизб ушбу босқичда турли шаклларда уюшган бошқа ташкилотларга ҳам дуч келади. Лекин Ҳизб уларга эътиборини қаратмайди ва улар билан овора бўлмайди. Чунки улар жамиятдаги чигалликлар бўлса ҳам, лекин даъватнинг Уммат ичига кириб бориши натижасида табиий ҳолда ечилиб кетадиган чигалликлардир.

Ҳизб ушбу босқичда ўзини тўхтовсиз кучайтириш, вужудини тўғри барпо қилиш ва ўз муҳитини бутунлай поклаш учун тинмай фаолият олиб бориши билан бирга тўртта ишни бажариши шарт бўлади. Яъни сақофат билан тартибли равищда тарбиялайди ва жамоий равищда тарбиялашни давом эттиради, Уммат манфаатларини қабул қилишга киришади ҳамда одамларга мустамлакачиликнинг режаларини фош этади.

Хизб жамиятга юзланиши ва ўз зиммасига олган оғир вазифаларни бажариши учун жамиятга хүшёр туриши, уни англамоғи ва вазиятларни аник идрок этмоғи лозим. Бу иш фақат Хизб қиёдати томонидан эмас, балки бўлинмас бир бутун вужуд сифатида идрок ва сезгилари бир хил бўлган фикрий шуурий бир бутун вужуд сифатида Хизб томонидан бажарилиши лозим. Чунки у чуқур фикрли, ўткир хисли уюшмадир. Ёйилиш вақтида Хизбга қуйидаги ишлар намоён бўлади:

1. Бутун Исломий Уммат ўзини бузук воқеликда эканлигини ва онгли мухлис қиёдат (етакчи)га муҳтож эканлигини фикран идрок этиб, буни сезиб турса ҳам, бироқ бу чалкаш идрок ва ноаниқ сезишдир. Умматнинг фикр юритиши ҳамон саёз, хис этиши кучсиз бўлиб қоляпти, унга турли фикр ва раҳйлар ҳукмронлик қилмоқда ҳамда бир-бирига зид бўлган аралаш-қуралаш туйгулар эгалик қилмоқда. Шунга кўра Уммат фикрий ва шуурий жиҳатдан паст даражададир.

2. Исломий мамлакатлардаги жамият ғайриисломий жамият бўлиб, унга капиталистик, демократик фикрлар ҳукмронлик қилмоқда. Унга ғарбий ҳазорат (дунёқарашиб) эгалик қилмоқда ва капиталистик-демократик тузум татбиқ қилинмоқда. Бу жамиятга ватанпарварлик, миллатчилик туйгулари ҳамда руҳий кохинлик туйгулари етакчилик қилмоқда. Ушбу жамиятда яшаётган мусулмонлар ўз эътиқодларида виждоний мусулмонлар бўлиб, ижтимоий ҳаётларида (Яъни аёл билан эркак ўртасидаги алоқаларда) Исломга амал қилиб келмоқда.

3. Ислом олами ҳар қандай сиёсий ҳаракатлардан холидир. Унда бирор сиёсий ҳаракат мавжуд эмас. Зеро мустамлака уни сиёсий ишларга ўхшаб кетадиган ва сиёсий ишлар деб аталадиган амалларни бажаришга олиб борган вазиятларга солиб қўйган. Мазкур вазиятлар айримларга сиёсий ташкилотлар номи берилган турли шаклдаги ташкилотларни пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса одамларни ноаниқликка тушириб қўйди. Натижада одамлар уларни сиёсий амаллар ва сиёсий ташкилотлар деб гумон қилмоқдалар. Мана шу гумон

жамиятни мана шу амалларга майдон қилиб берганидек, уни ушбу ташкилотлар хукмронлиги остига ташлаб қўйди.

4. Ҳизбий ташкилотлар жамиятдаги мавжуд турли ташкилотларнинг энг юксаги деб хисобланади. Шунга қарамасдан улар фикрий ва сиёсий жиҳатдан халқ даражасидан юқори кўтарила олмади улар оддий фикр юритишдан ҳам паст даражада яшаб келмоқда ва ҳали оддий фикр юритиш даражасига ҳам етиб боргани йўқ. Шу туфайли сиёсий маънодаги сиёсий ҳизбий ташкилотлар даражасига етиб бора олмади. Барча исломий мамлакатларда ахвол шундайдир.

5. Уммат мабдайи сиёсий ташкилотларнинг мавжуд бўлиш заруратини ҳали ҳам тўла идрок этганича йўқ. Гарчи уни ҳис қилиб, ҳозирги кундаги мавжуд ташкилотларга ўрганиб қолган бўлса ҳам ва улардан норози бўлиб, уларнинг услубларидан зерикиб, уларнинг тариқатлари натижаларидан ноумидликни изҳор этган бўлса ҳам. Мабдай ташкилотнинг мавжуд бўлиши заруратини идрок этмагани учун бутун Уммат ташкилотларда намоён бўлаётган кўринишларни англамай туриб уларнинг таъсири остида юрганини кўришимиз ажабланарли эмас.

6. Ватанпарварлик, миллатчилик ва руҳий кўринишлар Ислом оламидаги мавжуд ташкилотларда намоён бўлаётган кўринишлардир. Бу кўринишлар Исломий Уммат ичидаги барча халқларда етакчи кўринишлар бўлиб, улар бутун Умматнинг зеҳнига ҳукмрондир. Шу туфайли одамларнинг иштиёқлари бу кўринишларга мойил эканлигини ва одамлар бу ташкилотларнинг самарасизлиги ва заарини сезиб турганликларига қарамасдан улардан бошқа ташкилотларга кўнига олмайдиган ҳолатда бўлиб қолганини кўриб турибмиз. Шу туфайли ҳалқ Исломга риоя қилишга ҳамда руҳий ва ижтимоий жиҳатдан Исломга бўлган интилишига қарамасдан ўз вужудини Исломий Уммат сифатида эмас, балки ҳалқ сифатида ҳимоя қилмоқда.

7. Уммат унга ҳукмронлик қилаётган фикрлардан ташкил топган хом-ашёдир. Умматга исломий фикрларнинг низоми татбиқ қилинмаётгани боис, бугунги кунда бир нечта ташкилотлар ва турли хил фикрлар Исломий Умматни ўзига

тортмоқда. Етакчи фикр хукмронлигининг унга катта таъсири бўлиб, у ҳар қандай хукмронликдан ҳам кучлидир. Шу туфайли Уммат етакчи фикрларни кўтариб чиқаётган ташкилот тарафида бўлади. Табиий равишда бу фикрлар барча нарсага хукмрон бўлиб қолади. Шунга биноан Уммат етакчи ҳизбий уюшма ёки жамоанинг тариқатида юришга одатланиб қолади. Табиийки ушбу гурухлар одатда килаётган фаолиятга Уммат ҳам ўрганиб қолади. Шу туфайли Уммат уларнинг самарасиз эканига қаноат ҳосил қилганига қарамасдан намойишлар, норозиликлар ва митингларга чақиравчиларга ҳам жўшқин-хассос нотиқларнинг хитобларига қулоқ солаётганини кўрмоқдамиз. Мана шунинг учун фаолиятни бошлашдан олдин Умматни тайёрлаб олмоқ зарур.

8. Умматни тайёрлаш деганда унинг фикрлари ва туйғуларини тайёрлаб олишни назарда тутилади. Бунинг маъноси шуки, Умматдаги юзаки фикрлашга қарши курашиш ва чуқур фикрлаш жиҳатини қўзғатиш лозим. Унинг туйғуларини қўзғатиш ва сезгиларини кучайтириш лозим. Ҳамда Умматнинг исломий даъватни ёйишга иштиёқини бошқа ҳар қандай нарсага бўлган иштиёқидан кўра кучлироқ қилиш ва фақат Исломнигина Умматнинг табиий ҳушёрлик маркази қилиб қўйиш лозим. Шунингдек, унга хукмронлик қилаётган эътиборсизликка, бепарволикка қарши курашиш ҳамда уни уйқусидан уйғотадиган ва ундан лоқайдликни узоқлаштирадиган ҳодисаларни ҳаракатлантириш лозим. Бу эса Ҳизб ут-Тахрир сақофатини жамиятда қабул қилинган етакчи сақофат қилиб қўйишни ҳамда исломий сақофатни эса умумий тарзда барча одамларга бошчилик киладиган ягона сақофат қилиб қўйишни тақозо қиласди.

9. Исломий даъватни ёйиш учун Умматни тайёрлаб олиш Умматни Ислом асосидаги сиёсий фаолият учун тайёрлаб олишни назарда тутади. Модомики исломий фикрлар етакчи бўлмас ва исломий тушунчадаги сиёсий тариқат равшан ва бошқа барча фикрларга етакчи бўлмас экан. Ҳизбдан ўз сақофатидаги бу фикрларни тиниклаштиришни ва сиёсий йўлни ўз сақофати билангина эмас, балки бу йўлни бугунги кунда

оламда содир бўлаётган ҳодисаларга, халқаро сиёсатга, исломий мамлакатлардаги сиёсатга татбиқ қилиш билан ойдинлаштиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида Уммат манфаатларини қабул қилиш ва мустамлакачиликнинг режаларини фош этишда намоён бўладиган сиёсий фаолиятни тезлатишни тақозо этади.

10. Ҳизб исломий даъватни ўзида хаёт низоми балқиб чиқадиган фикрий етакчилик сифатида кўтариб чиққани ва сиёсатни ушбу даъват учун ягона йўл қилиб олгани сабабли, даъватга қарши турғанлар учта гурух, яъни ҳокимлар, золимлар ва ажнабий сақофат билан суғорилган кимсалар гурухи бўлади. Мақсадга етишдан тўсиш учун, ҳаттоқи вақтдан ютиш учун бу гурухларни йўлда турған катта тошлар каби даъват олдига тўсиқ қилиб кўйиш – мустамлакачиликнинг режаларидан биридир. Бу гурухлар мақсадга етишдан тўса олмаслигини мустамлакачилик билади. Лекин даъватни секинлатиш учун бу тўсиқларни кўяди. Шунинг учун бу тошлар билан ва барча турдаги ҳамма тошлар билан тўқнашишдан имкон қадар четлашиш лозим бўлади. Чунки бу тошлар йўлда тўсиқ бўлиш учун эмас, балки қўргонларни куришда ишлатилиши лозим. Яъни бу учала гуруҳ даъват учун касб қилиниши ёки гарчи уларни ўзгартириш мумкин бўлмаса ҳам, таъсирини кетказиш учун ақалли уларни мустамлакачи кофирнинг мустамлакачилик воситалари эканликларини уларга ҳам, бошқаларга ҳам тушунтириб, маълум қилиб кўйиш керак.

11. Тошлар билан яъни учала гуруҳ билан тўқнашишдан четлашиш деган сўзнинг маъноси улар билан фикрий жангга кирмаслик дегани эмас. Балки унинг маъноси вазиятлар қандай бўлмасин улар билан оғзаки ёки амалий тўқнашувга кирмасликдир. Аммо даъват билан бошқа барча фикрлар орасидаги фикрий жанг мукаррар бўлиб, бир лаҳза ҳам ундан холи бўлиш мумкин эмас. Чунки бу жанг етакчи фикрларнинг барчасини тақдирини белгилайди ва уларни йўқотиб ташлайди.

12. Ислом Ҳизб қўлидаги ягона қурол бўлиб, ундан бошқасини ишлатиши мумкин эмас. Ҳизб яхлит бирлик сифатида фикрий жихат билан қуролланмоғи лозим. У

воқеликдан қанча юқориласа, фикрларни қанча ўзгартиrsa шунча таъсир қилишга ва одамларни ўзининг мабдаига ва ўзига жалб қилишга қодир бўлади. Ечим ва муолажалар сифатида ўз фикрларини содир бўлаётган кундалик ҳодисаларга қанча боғлай олса, шунча зеҳнларга таъсир қилишга қодир бўлади.

13. Масалан, шўро мажлисини депутатлар мажлисига ёки халифани президентга ўхшатиш жоиз эмас. Чунки бундай ўхшатиш исломий ҳокимиятни тасаввур қилишдан узоқлаштиради. Балки воқеликдан юқорига кўтарилиш ва Ислом ҳокимияти суратини зеҳнга бир мусулмон чизиб бериш учун шаръий ҳукмларда айтилгани бўйича шўро мажлиси ва Халифаликни шарҳлаб бериш зарур. Шунингдек ижтимоий адолат фикри, оламий тинчлик фикри каби ғайриисломий фикрларни қабул қилиш жоиз эмас. Масалан, ғайриисломий бирор кишини гарбий лагерни – улар аҳли китоб деган хужжат билан – шарқий лагердан афзал деб фикрлаётганини кўрса, унинг эътиборини капиталистик мабда насронийликдан бошқа нарса эканига қаратсин. Гарбий лагер ўз хаётида насронийликни эмас, балки бутунлай капиталистик мабдани татбиқ этади. Демак, бу ўринда аҳли китоб мавзуига ўрин йўқ. Агар бир мусулмон бирор кишини ароқ ичиш, зино ва ўғирликлар каби жиноятларнинг тарқалиши ахлоқни ўйқолишига олиб боради, деб ҳисоблаётганини кўрса унинг эътиборини бу нарса шаръий ҳадни ижро қилмасликнинг натижаси эканлигига қаратсин. Чунки Аллоҳнинг тақиқлари Аллоҳнинг ҳадлари билангина сақланади. Гарчи исломий мабдани ёйиш фақат комил фикрат ва тариқат орқали амалга ошса ҳам, бироқ ижро қилиш учун тариқатни ўзига хос шаклда ёйиш лозим ва барча одамларга уни оидинлаштириш лозим. Чунки одамлардаги ва илгари ўтган ҳаракатлардаги ноаниқлик ва энг кўп хато тариқат хусусидадир.

14. Ислом ва сиёsat ҳақидаги Ҳизб тушунчаларини мустаҳкам ўрнатишга катта эътибор бериш – асосий ғоядир. Мана шунинг учун жамиятдаги етакчи фикрлар ҳукмронлигини тортиб олиш, сўнг уларни таг-томиридан суғуриб уларнинг ўрнига исломий фикрларни ўрнаштириш учун халклардаги

марказлашган сақофат жамоий сақофат билан бирга бўлишини тақозо этади. Бу эса Ҳизбдан сиёсий жиҳат билан бирга ўз фаолиятини Ҳизбнинг онгли, фахмли ёшларини одамлар билан доимий боғланишга, ушбу алоқага эътибор бериб барча соҳалар ва доираларга кириб борадиган қилиб қўйишга қаратишини тақозо этади.

15. Ислом ва сиёсат хусусида Ҳизб қабул қилган тушунчаларни мустаҳкам ўрнатишга катта эътибор бериш даъватни ёювчилар ҳизбийлар бўлишини тақозо этади. Мана шунинг учун дарс олаётган ҳар бир кишига эътибор бериш лозим бўлади. Агар фикрат у билан бирикиб кетган бўлса-ю, у ҳали сиёсий ташкилотнинг маъносини ва ҳизбий алоқанинг маъносини идрок этмаган бўлса, сақофатда ва ҳар бир муносабатда ҳизбий алоқани ойдинлаштириб беришга етарлича ахамият бериш лозим. Токи дорис Ҳизбнинг бир қисмига айлансин. Бу эса унинг фикрий ва нафсий жиҳатдан қайта шаклланишидан кейин ҳосил бўлади. Фикрий алоқани, сўнgra ҳизбий алоқани тушунтириб бериш зарур. Токи даъват ишидаги алоқани табиий, чин алоқага айлантириш осон бўлсин ҳамда фикратни амалга ошириш ва даъватни ёйиш тўлиқ бўлсин. Бу билан тўлиқ таъсир пайдо бўлади ва ҳизбий фаолият мумтоз шаклда ҳаракатланади.

16. Ҳар бир ишни бажаришдан олдин бу ишдан кўзланган мақсад бўлиши шарт. Бу мақсад эса имоний мухитнинг бир бўлагидир. Чунки имоний мухит мабдага яъни Исломга бўлган имондан ва амалий қоидадан иборатдир. Амалий қоида эса фикрни амалга боғлаш ва ҳар иккиси бир мақсад учун бўлишидир. Ҳар бир амалнинг мақсади бўлиши лозим деб айтишдан мурод фикр юритиш ва амал қилишнинг бир муайян гоя учун бўлишидир. Бу эса бир бутун вужуд сифатида Ҳизбнинг ўзида ва унинг ҳар бир аъзосида бўлиши шарт. Бу мақсадни тарбиялаш ва барча шахсларда пайдо қилиш зарур.

17. Ҳизб ёки унинг бирор аъзоси томонидан шароитларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, яъни ўзи бўларликка ташлаб қўйишнинг маъноси юз тубан қулашга олиб борадиган тарзда тўхтаб қолиш демакдир. Мана шунинг учун бажарган ёки бажараётган ёхуд

амалга ошириши лозим бўлган ишларни кўриб чиқиш орқали доимо фикрлаш зарур. Шароитлар ёки улар келтирадиган вазиятларни кутиб ўтирмаслик керак. Балки шароитларни вужудга келтириш ва юзага келган шароитлардан фойдаланиш лозим. Шароитларга суюниб қолишдан ва ўзи бўларчилиқдан саклайдиган нарса – амалдан кўзланган мақсаднинг мавжудлиги, даъват ҳақида фикр юритиш ва унга каттиқ тиришиш, бирор куч сарф қилмасдан ўзича ёки иттифоқо юзага келиб қоладиган ишларга суюниб қолмаслиkdir. Ҳамда сабабларни оқибатларга боғлашнинг зеҳиларга хукмронлик қилиши ва гарчи тўғри бўлса ҳам, инсоннинг ўз ички сезгиларига суюниб қолишдан асрайди.

18. Ҳизб ўзи босиб ўтаётган ва келгусида унга дуч келадиган қийинчиликларни идрок этмоғи лозим ва олиб бораётган фаолиятнинг шарт-шароитларини, вазиятларини ҳамда бирор амални бажаришни кўзлаган вақтда уни қамраб олиши мумкин бўлган вазиятларни идрок этмоғи лозим. Ҳамда тактикани ва бу тактика мос келадиган ёки мос келмайдиган мавзуларни тўлиқ идрок этмоғи лозим. Ҳа, тактика услугуб бўлиб, уни амалнинг тури белгилайди. Бироқ у хисобга олинмаган, тўсатдан юзага келадиган вазиятлар сабабли ўзгариб турлича бўлиб туради. Мана шунинг учун тактика ўзгарувчан ва харакатчан бўлиши зарур.

19. Ҳизб бирор амални бажаришдан олдин ўзи эга бўлган кучларни ҳамда ўзи пайдо қилган муҳитларнинг таъсир кўламини ва ўзи вужудга келтирган онгни тўғри идрок этмоғи зарур. Бу таъсир Ҳизб аъзоларида ёки халқда бўладими фарқи йўқ. Чунки Ҳизб нарсаларни тўғри идрок этиши орқали масъулият кўламини тўғри белгилайдиган бўлиб олади. Чунки масъулиятни каттароқ қилиб белгиласа, бундан заифлик (яъни бажара олмай ташлаб қўйиш) хатари келиб чиқади. Агар масъулиятни озроқ белгиласа, бундан мулоҳазасизлик (яъни ўйламай иш қилиш) хатари пайдо бўлади. Мана шунинг учун масъулиятни тўғри йўсинда белгилаш зарурий ишдир.

20. Ҳизб шуни идрок этиши зарурки, Исломий Уммат босиб ўтган ушбу давр, яъни мусулмонлар ўз мафкураларини бошқа

барча мафкуралардан ғолиб бўлиши учун бутун оламга ёйишларига олиб борадиган фикрий ва шуурий инқилоб давридир. Ҳамда ушбу даврда амалга ошириладиган вазифалар Ҳизб зиммасига юклатилганини идрок этмоғи зарур. Шунинг учун фикрий жиҳат асос бўлиб қолиши ва уни сиёсий амал билан доимо боғлаш – фаолиятни асоси бўлиб қолиши зарур. Шу туфайли Ҳизб халқаро сиёсий ҳолатларни ва исломий оламдаги сиёсий ҳолатларни, хусусан, ўзининг фаолият майдонидаги сиёсий ҳолатларни доимо қараб олмоғи зарур. Шунингдек, барча исломий мамлакатларда факат исломий фикрларгина баҳс ва мунозара мавзуи бўлиб қолиши учун ҳаракат қилмоғи ҳамда яна исломий мамлакатларда айланиб юрган фикрларни доимо билиб турмоғи лозим.

21. Ҳизб доимо хушёр бўлмоғи, жамиятни тўла англаб этмоғи ҳамда одамлар фикрлаётган ва улар хис қилаётган нарсаларга эътиборни қаратмоғи лозим. Токи ўз сақофатининг, таъсир кўламини, тарқатаётган фикрларининг ва уйғотаётган туйғуларининг кириб бориш кўламини ҳамда жамиятни совуқлиқдан иссиқликка ва иссиқдан қайнаш ҳолатига ўзгариши кўламини билсин. Токи ўз сақофатини одамларнинг қалбларига сингдирсин. Чунки Ҳизб сақофати жамиятда аланга олиб, кейин эса унда ҳароратни пайдо қилиб, уни ўзгартириб юборадиган оловдир. Охири бу олов Умматни ўзининг мавжудлиги Исломга амал қилиш учун ва оламга исломий даъватни ёйиш учун эканини ҳамда Ҳизб ут-Тахрир мана шу вазифа борасида фаолият олиб бораётганини тўғри хис қиладиган ва аклан идрок этадиган даражага кўтаришга қодир бўлади.

22. Жамият фикрлари ва туйғуларини ўлчаш тариқати жуда сoddадир. Бунинг учун сиёсий ҳодисалар фикрларга қандай таъсир қилганини мулоҳаза қилиш керак бўлади. Яъни сиёсий ҳодисалар янги фикрларни пайдо қиладими ёки факат эски фикрларни таъкидлаш билан чекланадими? Шунингдек, жамият фикрлари ва туйғуларини ўлчаш учун, сиёсий ҳодисалар туйғуларга қандай таъсир қилганини мулоҳаза қилиш керак бўлади. Яъни сиёсий ҳодисалар янги туйғуларни пайдо

құлдими ёки факат эски түйгуларни таъқидладими? Түйгулардан мурод – янги пайдо бўлаётган фикр ва түйгуларга нисбатан хурсандлик ва хафалик, розилик ва норозиликдир. Ҳозирда мавжуд фикр ва түйгуларни ўлчаб кўриш эса кўпчилик омма гапираётган ишларни ва ундаги уйғоқ түйгуларни мулоҳаза қилиш билан бўлади. Масалан, бугунги кунда мусулмонлар **музораба** ва **иона** ширкатлари ҳақида гапириш ўрнига акционерлик ширкатлари ва ўзаро ёрдам жамиятлари ҳақида сўз юритишлари ҳамда Ислом қадриятлари учун ғазабланиш ўрнига ўз миллатчиликлари учун ғазабланишлари каби ишлар. Мана шу ўлчов бўйича фикр ва түйгуларга эътибор берилади. Барча одамларга, муфаккирларга ҳам, бошқаларга ҳам эътибор беришлари зарур. Чунки жамоатдаги фикрлар ва түйгулар бир хил бўлади.

23. Хато фикрларга ҳужум қилиш, уларнинг сохталигини баён қилиб бериш ва муслим хурсанд бўлиши лозим бўлган ўринда хурсанд бўлмаётган хурсандчилик түйгуларини ўзгартириш ҳамда муслим ғазабланиши лозим бўлган ўринда ғазабланмаётган ғазаб түйгуларини ўзгартириш орқали жамият фикрлари ва түйгуларини муолажа қилиш учун бу фикрлар ва түйгулар ўлчаб кўрилади. Мана шунинг учун ҳодиса ва фикрлар пайдо қилаётган акс таъсирни билишга эътибор бериш яъни фикр ва ҳодисалар туфайли одамларда пайдо бўлаётган реакцияни билиш зарур. Яъни реакция пайдо құлдими ёки йўқми? Агар фикр ва ҳодисалар реакцияни пайдо қилса, одамлар бу фикр ва ҳодисаларга ишонганиклари билинади. Бу ҳолатда фикрларнинг сохталигини баён қилиб бериш ва түйгуларни ўзгартириш зарур. Агар реакцияни пайдо қилмаса бундай фикр ва ҳодисалар билан машғул бўлишга ҳожат йўқ. Чунки реакция бермаган фикр ва ҳодисалар билан машғул бўлиш бекорчи нарса билан машғул бўлишдир.

24. Фикр ва түйгуларни муолажа қилишдан мақсад тушунчаларни ўзгартириш бўлгани учун тушунчаларни ўзгартириш жараёнида ҳосил бўладиган акс таъсир кўламини билиш зарур. Яъни Ҳизб одамлардаги хато тушунчаларни ўзгартириши уларда реакция пайдо қилиб уларга таъсир

қилдими ёки йўқми? Агар уларда реакцияни пайдо қилиб, уларга таъсир қилган бўлса, Ҳизб берган фикрлар уларда тушунчаларни пайдо қилганини ҳамда улар ҳақиқатан ҳам тушунчаларни ўзгартириш учун фикрларни қабул қилишганини билдиради. Аммо агар улар Ҳизб фикрларини тушуниб турғанларига қарамасдан бу фикрлар уларда реакцияни пайдо килмаса, улар қуруқ маълумотларни олишибди. Ваҳоланки, маълумотларни олиш билан тушунчалар ўзгармайди.

25. Ҳизб ўзи табаний қилган фикрлар билан жамият фикрлари ва туйғуларини муолажа қилиши туфайли одамларнинг Ҳизбга ва Ҳизб фикрларига нисбатан мойилликларини билиши зарур. Яъни одамлар Ҳизб фикрларини маҳқуллаяптиларми ёки унга нисбатан салбий муносабатдамилар? Улар Ҳизбни ёқтирияптиларми ёки ёмон кўряптиларми? Ёхуд уни яхши ҳам кўрмай, ёмон ҳам кўрмай унга нисбатан бепарволик ва лоқайдлик ҳолатида турибдиларми?

26. Ҳизб фикрларга эътиборни қаратиши ва муносиб вактда баён қилиш лозим бўлган фикрларни билиши учун жамиятга мурожаат қилиш пайтида жамиятнинг фикрлари ва туйғуларини билиши зарур ишдир. Бироқ, фикрларга эътибор бериш Ҳизбнинг фикрий фаолиятининг бир қисми эканлигини билиши зарур. Чунки Ҳизб биринчи навбатда одамларга фикр юритиш тариқатини ўзгартириш учун, иккинчидан, улар ўз фикрларига асос қилишаётган фикрий қоида (пойдевор)ни ўзгартириш учун, учинчидан эса, улардаги мавжуд фикрларни ўзгартириш учун ҳамда тўртингидан, ҳаётда уларга йўлиқаётган барча фикрларни уларнинг (яъни шу одамларнинг) фикрий қоидаларига боғлаш учун ҳаракат қилмоғи зарур. Ҳизб бу ишларни бажариш орқали фикрларни ўзгартириши осонлашади ва одамлар ўз фикрларини ўзлари ўзгартирадиган ҳамда фикрларини ўзларининг фикрий қоидаларига боғлайдиган бўлиб қолишларига эришади. Ҳизб бу билан Исломий Умматни яхши ҳолатга кўчишини таҳминлайди ва инқилобий даврни рўёбга чиқаради.

27. Исломий Умматни ўзи турган ёмон ҳолатдан яхши ҳолатга кўчиб ўтиши инқилобий даврнинг муваффакиятига боғлиқ бўлади. У эса одамларнинг зеҳнларидағи исломий фикрларнинг мавжудлигига боғлиқдир. Чунки инсоннинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ундаги мавжуд асосий фикрлардан балқиб чиқади ва ўткинчи фикрлар инсонга таъсир қиласди. Шунинг учун асосий фикрларни вужудга келтириш, тасодифий фикрларни йўқ қилиш ва ёлғиз исломий фикргина одамлардаги асосий фикрлар бўлиб қолиши учун катта кучни сарф қилиш лозим бўлади. Бироқ, аниқ равшан бўлиши лозимки, одамларда фикрлар мавжуд бўлишининг ўзи фикрий инқилоб даврининг муваффакияти учун ва Умматни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга кўчиб ўтиши учун етарли эмас. Балки одамлар бу фикрларни сезиладиган маънолар эканлигини кўришлари ва фаолиятга ундейдиган тушунчаларга айланмоғи учун уларнинг ҳаётларида ушбу фикрлар бўлиши зурурлигини хис қилишлари зурур. Шунингдек, бу фикрлар шахслар ва жамоатларда мустаҳкам ўрнашиб қолиши зарур. Мустаҳкам ўрнашишлик эса фикрлар ҳақиқий ўзгариш пайдо қилиши учун уларни таъсирчан марказлашган қилиб қўяди ҳамда уларда қувват ва нуфузни пайдо қиласди. Натижада Умматда кўчиб ўтиш ва ўзгариш юз беради.

28. Исломий мамлакатлардаги жамиятнинг ҳаёт ҳақидаги асосий фикрлари капиталистик ва демократик фикрлар эканлигини кўриш мумкин. Лекин улар мустаҳкам ўрнашмаган бекарор фикрлардир. Чунки ақидалари исломий ақида бўлгани сабабли, одамлар уларни асосий фикрлар сифатида қабул қилмаганлар. Улар бу фикрларни қабул қилган вақтларида эътиқод қилиб эмас, балки шунчаки қабул қилганлар ва «бу фикрлар ақидангизга зид эмас, балки унга мос келади», деб тақдим этган шахслар уларни алдашган. Шу туфайли ушбу фикрларга биноан иш тутса ҳам, лекин бу фикрлар уларнинг зеҳнларида мустаҳкам ўрнашмаганлигини кўрасиз. Агар бу фикрлар ўз ақидаларига зид эканлигига қониқиш ҳосил қисалар, уларни тез тарк этиб, яна исломий фикрларга

қайтадилар. Одамлардаги бу қайтиш сабабли жамиятда ўзгариш пайдо бўлади.

29. Жамиятда вақтинчалик таъсир этувчи омилларнинг натижаси бўлмиш ўткинчи фикрлар ҳам учрайди. Улар – ватанпарварлик, миллатчилик туйғуларини қўзғатадиган фикрлар, мустақиллик ва шунга ўхшаш фикрлардир. Бу ўткинчи фикрлар хаёт ҳақидаги фикрдан пайдо бўлган эмас, балки уларни шу даврдаги бекарор вазият юзага келтиради. Асосий фикрлар мустаҳкам ўрнашган вақтда, бу ўткинчи фикрларнинг барчаси тезда йўқ бўлиб кетади.

30. Жамиятда ақлий йўлдан келиб чиқиб хulosса қилинган фикрлар билан илмий йўлдан келиб чиқсан илмий фикрлар ўртасини ажратмай аралаштириб юбориш мавжуд. Ушбу аралаштиришга биноан одамлар психологияни илм деб, унинг фикрларини эса илмий фикрлар деб ҳисоблайдилар. Чунки бу фикрлар ёш болаларни турли шароит ва турли ёшларда кузатиш орқали эришилган мулоҳазалар асосида вужудга келган. Кейинчалик бу мулоҳазаларни такрорлашни тажрибалар деб номлаганлар. Аслида эса психология фикрлари илмий фикрлар эмас, балки ақлий фикрлардир. Чунки илмий тажрибалар моддани унинг табиий таъсир этувчи омиллар ва ҳолатларидан бошқа омиллар ва бошқа ҳолатларга бўйсундириш ҳамда ушбу бўйсундириш натижасини мулоҳаза қилиш демакдир. Яъни бу тажрибалар физика ва кимё тажрибалари каби модда устидан қилинадиган тажрибаларнинг айнан ўзидир. Аммо нарсани турли вақт ва ҳолатларда кузатиш илмий тажрибалар деб ҳисобланмайди. Шунга кўра, ёш болани турли ёш ва турли ҳолатларда кузатиш ҳам илмий тажрибалар баҳсига кирмайди. Шунга биноан бундай кузатиш илмий йўл деб, ҳисобланмайди, балки у кузатув, кузатувни такрорлаш ва хulosса қилиш холос. Демак у илмий йўл эмас, балки ақлий йўлдир. Шунга кўра, психология илми фикрлари ҳам социология ва педагогика фанлари каби ақлий фикрлар бўлиб, сакофат доирасига киради. Асло илм доирасига кирмайди.

31. Жамиятда илмий фикрлар ва илмий йўлни муқаддаслаш мавжуд. Илмий баҳс-изланишда қабул қилинган қоидага кўра,

илмий йўлда хато хulosса бўлиб қолиши эҳтимоли борлиги мулоҳаза қилиниши лозим бўлган асослардан бири эканини баён қилиб бериш зарур. Унинг натижаларида хато ҳақиқатда юз берган ва илмий ҳақиқатлар деб аталгандан сўнг яроқсизлиги, илмий билимларда хато хulosалар қилинганилиги маълум бўлган. Масалан, атом – моддадаги бўлинмайдиган энг кичик зарра деб айтилган эди. Бу хulosанинг хато эканлиги маълум бўлди ва айнан илмий йўл орқали атомнинг бўлиниши аён бўлди. Шунингдек, модда йўқ бўлмайди, деб айтилган эди. Бу хulosанинг ҳам хатолиги маълум бўлди ва айнан илмий йўл орқали модданинг ҳам йўқ бўлиб кетиши аён бўлди. Шу туфайли илмий йўлни асос қилиб олиш мумкин эмас. Чунки илмий йўл нарсанинг мавжудлиги ва унинг сифати ҳақида гумонли натижани пайдо қиласи. Ақлий йўл эса нарсанинг мавжудлиги ва унда муайян сифатлар мавжудлиги ҳақида қатъий хulosалар беради. Гарчи бу нарсанинг моҳияти ҳақида гумонли хulosса берса ҳам, лекин бу нарсанинг борлиги ва унинг муайян сифати мавжудлиги ҳақида аник, қатъий хulosса чиқаради. Демак, ақлий йўл натижаларининг қатъий эканлигини эътиборга олиб уни баҳс учун асос деб қабул қилиш лозим. Шунга биноан, нарсанинг борлиги ва унинг муайян сифати хусусида илмий натижага ақлий натижка зид келса шубҳасиз ақлий натижка қабул қилинади ва ақлий натижага зид келадиган илмий натижка тарқ қилинади. Чунки гумонли хulosса эмас, балки қатъий хulosса олинади.

32. Ҳизб ут-Тахрирнинг вазифаси исломий даъватни ёйишдир.

Бу вазифа қуйидаги ишларни унинг энг муҳим ишлари қилиб белгилайди.

I. Оламдаги фикрлаш йўлини исломий фикрлаш йўли билан ўзгартириш.

II. Одамлар ўз фикрларига асос қилиб олишган фикрий қоидани исломий фикрий қоида билан ўзгартириш.

III. Барча фикрларни исломий фикрий қоида билан боғлаш.

Энди фикрлаш йўлини ўзгартиришга келсак, фикрий жихатдан колоқ оламнинг, фикрлаши ўта юзакидир. Демак,

ундаги фикр юритиш йўлини чуқур қилиш керак. Масалан, мустамлакага қарши намойишлар ва норозиликлар билан кураш олиб бориш ўрнига исломий мафкурани ёйиш ва Исломий давлатни барпо қилиш орқали мустамлакани таг-томиридан суғуриб ташлаш учун фаолият олиб борилади. Ёки фақат бойликларни ишлаб чиқариш ҳақида фикрлаш ўрнига уларни тақсимлаш кайфияти хусусида фикр юритилади. Чунки дунёдаги иқтисодий муаммо ишлаб чиқаришнинг камлигидан эмас, балки тақсимотнинг ёмонлигидан келиб чиқсан. Булар фикрий жиҳатдан тараққий этмаган қолоқ оламга тегишли хulosадир. Энди фикрий жиҳатдан ривожланган юксак оламга келсак, ундаги фикрлаш бузук ва тўғри йўлдан адашган фикрлашдир. Чунки унинг фикрлашдаги йўли илмий бўлиб, бу йўлни фикрлаш асоси қилиб олган ва уни барча нарсаларда ҳакам қиласди. Шунга кўра, илмий йўлни ҳам илмийлик каби натижалари бўлган ақлий йўлнинг бир натижаси қилиб кўйиш лозим бўлганидек, ақлий фикрлаш йўлини ҳам мазкур оламдаги фикрнинг асоси қилиб кўйиш зарур. Чунки илмий йўл баҳс юритилаётган нарса ҳақидаги собиқ маълумотларнинг барчасидан воз кечишини ва уларнинг мавжуд бўлмаслигини тақозо қиласди. Кейин эса моддани кузатиш ва уни тажрибада синашни, яъни моддани табиий омил ва ҳолатларидан, шароитларидан бошқа омилларга ва ҳолатларга бўйсундиришни, бу жараёнларни кузатишни бошлайди. Кейин эса лабораторияларда бўлгани каби модда устида ўтказилган бу амалиётдан моддий ҳис қилинадиган ҳақиқатни хулоса қилиб чиқаради. Бунга кўра, илмий йўл назарида моддий жиҳатдан ҳис қилинмайдиган нарсалар мавжуд эмас. Бу хulosага кўра мантиқ, тарих каби билимлар ҳам мавжуд бўлмайди. Чунки бу билимлар илмий жиҳатдан юзага келмаган. Яъни моддани кузатиш, уни тажрибада синаш ва ҳис қилинадиган нарсаларга моддий хулоса қилиш йўли орқали пайдо бўлмаган. Бу эса кўпол хатодир. Чунки тиббий (яъни аниқ) илмлар билимнинг бир соҳаси ва фикрларнинг биридир. Ҳаётнинг кўплаб билимлари ҳам илмий йўл орқали юзага келмаган. Балки ақлий йўл орқали юзага келган. Шу туфайли илмий йўлни фикр

юритиш учун асос қилиб олиш мумкин эмас. Фикрлаш учун фақат ақлий йўлни асос қилиб олинади. Ақлий йўл шуки, воқени хис қилиш сезгилар ёрдамида мияга узатилиши орқали ва воқеликни шарҳлаб берувчи собиқ маълумотларнинг мавжуд бўлишидан фикр ва ақлий идрок пайдо бўлади. Кейин эса мия унга ўз хукмини чиқаради. Бу хукм фикр ёки ақлий идрок бўлиб, фикр юритишдаги асосдир. Унинг воситасида кузатиш, тажрибада синаш ва хулоса қилиш орқали илмий ҳақиқатлар идрок этилади. Шунингдек, унинг воситасида мантиқ ва шу кабиларда мантиқий ҳақиқатлар идрок этилади. Унинг воситасида тарихнинг ҳақиқатлари идрок этилади ва ундан хатодан тўғрисини ажратиб олинади. Унинг воситасида борлиқ, инсон, хаёт ҳақидаги ҳамда борлиқ, инсон, хаётнинг яратувчиси ҳақидаги, бу хаётнинг ўзидан олдинги ва ундан кейинги нарсаларга бўлган алоқаси ҳақидаги куллий (умумий) фикррат вужудга келади. Мана шу ақлий йўл бутун оламда фикр юритиш йўлига айланмоғи лозим. Кейин эса олам уни фикрлаш асоси қилиб олади. Энди одамлардаги фикрий қоидани ўзгартиришга келсак, улардаги мавжуд фикрий қоида ўзгармоғи учун бутун оламга мафкурани ёйиш, яъни ақлий йўл орқали исломий ақидани ёйиш зарур. Одамлардаги фикрий қоида эса Аллоҳга виждоний имон келтириш ва уни ҳаётдан ажратиш ёки унинг борлигини инкор этишдир. Буларнинг барчаси тўғри фикрий қоида эмас. Шунинг учун уни йўқ қилиш ва унинг ўрнига исломий фикрий қоидани қўйиш лозим.

Энди одамлар кўтариб юрган фикрларни ўзгартириш эса уларнинг фикрларидаги мавжуд хатони баён қилиш ва унинг ўрнини эгаллаши учун тўғри фикрларни шарҳлаб бериш орқали амалга ошади. Бунинг амалий йўли – фикрларни хатти-ҳаракатларга боғлашдир. Масалан, одамлар «араблар азиз бўлсин» деб чақираётгандарига уларга буни Исломга зид эканлиги, чунки азизлик Аллоҳники, пайғамбариники ва мўминларники эканлиги эслатилади. Ёки араб миллатчилигига чақираётган вақтларида уларга Исломга даъват қилиш вожиблиги ва миллатчилик хисобланмиш уруғ-аймоқчиликка, қабилавий, миллий, ирқий ва жинсий тарафкашликка қарши

Ислом хужум қилиши эслатилади. Мана шу орқали шариатга зид бўлган хатти-ҳаракатлари уларга намоён бўлади. Бунинг оқибатида уларнинг фикрларидағи хато ўзларига аён бўлади. Энди фикрларни фикрий қоидага боғлашга келсак, бу қуйидаги икки иш билан амалга ошади:

Биринчи иш. Ҳизб аъзолари хатти-ҳаракатларида намуна бўлмоқликлари ва гарчи урф-одат, тақлидларга ҳамда моддий жиҳатдан тараққий этган бошқа уммат ва халқларга зид келса ҳам қилаётган ишларини исломий ақидага боғламоқликлари лозим.

Иккинчи иш. Ҳозирги пайтдаги барча муаммоларнинг ечимини ва ҳукмрон фикрларнинг соҳталигини баён қилиш учун уларга юзланиш, хато тушунчаларни тўғрилашга шошилиш, хато фикрларни ўзгартириш ва арзимас туйғуларнинг таъсирини йўқ қилиш ҳамда уларни исломий туйғуларга айлантириш.

33. Ҳизб бажарадиган ушбу вазифа муфаккирларга муҳтоҷ бўлади. Муфаккирларга айланмоқлик учун ҳаракат қилишга энг қодир одамлар илмли кишилардир. Демак, бу вазифани бажаришга энг қодир одамлар ҳам улардир. Гоҳо Ҳизб фақат илмли кишилардан иборат бўлар экан деган хаёлга борилади. Лекин аслида эса ундей эмас, балки Ҳизб – улар илмли бўладиларми ёки йўқми – одамлардан иборат бўлади. Лекин улар Ҳизб билан қоришиб кетгандаридан кейин муфаккирларга айланадилар. Чунки улар ҳизбий исломий сақофат сифатида унинг сақофати билан ва умумий тарзда Ислом сақофати билан тарбияланадилар. Бу сақофат ўз табиатига кўра теран бўлиб, чуқур фикрлашни ўргатади. Илмли кишиларнинг билимлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, улар Ҳизб назарида бошқа одамлар кабидирлар. Шунинг учун Ҳизб уларни марказлашган ва жамоий тарзда ўз сақофати билан янгидан тарбиялаши зарур. Ҳамда ҳар бир инсоннинг билим даражаси қандай бўлмасин, уни ҳар қандай сақофатдан холи деб фараз қилинмоғи ва уни янгидан (сақофат билан) тарбиялашни бошламоқ лозим. У илгариги ўрганган билимлар исломий ёки бошқа билимлар бўлишининг фарқи йўқ. Икки сабабга кўра ҳар бир инсон

ҳақида шундай фараз қилиш зарур. Улардан биринчиси, фикр ва ақлий истеъдод барча одамларда мавжуд. Улар илмли бўладиларми ёки йўқми бунинг фарқи йўқ. Улар бир-бирларидан маълумотларнинг қўплиги билан эмас, балки табиий истеъдодлари билан афзал бўладилар. Исломий сақофат билими оз кишидаги етук истеъдодни кашф этади ва уни кўзгатиб юборади. Унинг истеъододи ёркин истеъдодга айланади. Сўнгра фикрий жиҳатдан поғоналарга кўтарилиб ўзидан кўра маърифатли ва илмли кишидан ўзиб кетади. Мана шунинг учун биринчи даражада фикрий истеъдодни мавжуд бўлишига таянилади. Чунки фикрий истеъдоднинг борлиги инсонни мағкуруни ёйишга ва жамиятда фикр ва туйғу инқилобини пайдо қилишга қодир қилиб қўяди. Иккинчиси эса, билимларнинг мавжудлигига қарамасдан, илмли кишилардаги мавжуд фикрлаш йўли ё юзаки бўлади ёки илмий йўл билан таъсирланган бўлади. Уларнинг хар иккиси ҳам ақлий фикрлаш йўлидан узоқдир. Модомики, илмли кишилардаги мавжуд фикрлаш йўли ўзгартирилиб, унинг ўрнига ақлий йўл қўйилмас экан ҳамда уларнинг фикрий қоидалари ва кўтариб юрган фикрлари ўзгартирилмас экан, уларни муфаккирлар деб хисоблаш мумкин эмас. Мана шунинг учун уларни ақлий фикрлаш йўли билан муфаккирларга айлантириш зарур. Токи улар муфаккирлар деб хисоблансинлар. Шунга кўра Ҳизб ут-Таҳрир Уммат орасида етук муфаккирларни вужудга келтириши лозим.

34. Ҳизб ўз вазифасини адo этиши, яъни исломий даъватни ёйиши Ҳизбнинг исломий тариқат асосида ҳаракат қилишини тақозо этади. Даъватни бутун оламга ёйишдаги Ислом тариқати – жиҳоддир. Даъватни жамиятдаги одамларга ёйишдаги унинг тариқати ҳикмат йўли билан, чиройли мавъиза билан ва гўзал суратдаги мунозара билан даъват қилишдир. Аллоҳ Таоло дейди:

اَدْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحِكْمَةِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَادِلُهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنْ ضَلَّ عَنْ سَبِيلِهِ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ

- «(Эй Мұхаммад), *Парвардигорингизнинг йўли-динига донолик-ҳикмат билан чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг!* Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мұжсадала-мунозара қилинг! Албатта, *Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билур ва У Зот ҳидоят топгувчи кишиларни ҳам жуда яхши билур*». [16:125]

Ҳикмат – ақлий хужжат, чиройли мавъиза эса гўзал эслатмадир. Яъни одамларнинг ақлларига хитоб қилган вақтда уларнинг туйғуларини ва туйғуларига хитоб вақтида эса уларнинг фикрларини қўзғатиш. Токи туйғулар фикрлар билан боғланиб, комил суратдаги амал келиб чиқсин. Гўзал суратдаги мунозара эса фикратга чекланган ва шахсларга, нафсониятига ўтмайдиган мунозарадир. Даъват тариқатидаги бу уч ҳолатни мулоҳаза қилиб кўриш шарт. Чунки жамиятда даъват қаршисида турган кишиларнинг аксари уч гурухдир:

Биринчи гурух: Исломни тушуниб, унга даъват қилишни хоҳлаётган гурух. Лекин унинг ақли қониқиши ҳосил қилиб, қалби хотиржам бўлиши учун ақлий йўл билан Исломдан воказиф бўлишини хоҳлайди. Ушбу гуруҳни даъват қилиш аввало ҳужжат ва теран ўрганиш билан бўлиши зарур. Бу иш факат ҳалқалардаги тартибли сақофат билан амалга ошади. Кейин эса унинг ўзи бошқа ҳалқаларни сақофат билан тарбиялайдиган бўлиб қолади. Ҳалқада сақофат олаётган киши ҳикмат билан даъват қилинади. Ҳалқаларга сақофат бераётган киши эса ҳикмат билан даъват қиласди. Бу онгли сақофат инсонда фикрий инқилоб пайдо қиласди ҳамда уни бошқа одамларда ва жамиятда фикрий инқилоб пайдо қилишга қодир қилиб қўяди.

Иккинчи гурух: Одамларнинг кўпчилик қисми бўлиб доимий тарзда марказлашган сақофатни олишга уларнинг шароитлари, истеъдодлари ва вақтлари бўлмайди. Уларнинг айримлари ҳалқаларда дарс олиб кейин узилиб қолган бўлсалар, айримлари эса ҳалқаларда дарс олмайдилар. Уларни жамоий сақофат билан даъват қилинади. Жамоий сақофат оғзаки хитоб қилиш, радио, газета-журналлар ва бошқа ахборот тарқатиш воситаларини ўз ичига олади. Жамоий суратда сақофат

бераётганда шуни тиник тушуниб олиш лозимки, ақлий баҳс мобайнида, яъни ақлларга мурожаат қилинаётганда туйғуларга таъсир килиш, туйғуларни қўзғатиш зарур. Токи берилаётган сақофат одамларнинг кўпчилиги ўзлаштира олмайдиган жонсиз, қуруқ ақлий сақофат бўлиб қолмасин. Ва отифий баҳс юритилаётганда, яъни туйғуларга хитоб қилинаётганда чукур мазмунли фикрларни бериб, чукур фикрлашни қўзғатиш зарур. Токи берилаётган сақофат муфаккирлар қабул қилмайдиган, фақат туйғуларни қўзғатувчи, арзимас сақофат бўлиб қолмасин. Ҳамда шуни мулоҳаза қилиб кўриш лозимки, ушбу жамоий сақофат оммани ҳаракатлантиради ва уларда тушунчани пайдо қиласди. Жамоий сақофат жамиятда қилинаётган даъватни барча нарсани учириб кетувчи довулга ва оқизиб кетувчи оқимга айлантиради. Одамлар даъват мақсадларини рӯёбга чиқариш учун оқимга қўшиладилар. Шунинг учун жамоий сақофатга катта эътибор бериш зарур.

Учинчи гурух: бошқа фикр ва ташкилотларнинг асирасига айланган ёки ҳайронликда қолган одамлар. Бошқа фикрлар билан суғорилган ва ҳайронликда қолган бундай одамлар билан исломий фикрат борасида баҳс-мунозарага киришиш керак. Улар даъват ҳақида шубҳалар қўзғотиш, у ҳақда нотўғри тушунчаларни бериш ва даъватга қарши хужум қилиш орқали даъватга тўсқинлик қилишлари маълум бўлишига қарамасдан, Ислом уларга даъватини ёйиш лозим. Шунинг учун даъватни ёювчи уларга нисбатан бағри кенг бўлиши ҳамда уларнинг бузук фикрлари, нотўғри тушунчалари ва эгри йўлларига қарши хужум қилиш мавқенини эгалламоғи, ҳимояланиш ҳолатидан юз ўтироғи зарур. Исломга тухмат қилинишига рози бўлмаслиги, буни бутунлай инкор этиши ва исломий фикрларни ҳимояланиш услуби билан эмас, балки баён қилиб бериш услуби орқали шарҳлашга шошилмоғи зарур. Бундай одамлар билан қилинадиган мунозара чиройли суратда бўлиши, Яъни беҳуда, бесамара тортишиш эмас, балки самарали мунозара бўлиши лозим. Бузук фикр эгаллари мунозара чоғида ўз мағлубиятларини сезган вақтларида баҳсни икки масала томон буриб юборишга ҳаракат қиласдилар. Баҳслashiшда шу икки

масаладан эҳтиёт бўлиш керак. Биринчи масала шуки, даъват ёювчи қаноатлантирувчи ҳақиқатга етай деб қолганда, аввалги баҳс ниҳоясига етмасдан туриб, бир баҳсдан бошқа баҳсга кўчib ўтиш. Бундай қўчиш эса мунозарани баҳсдан баҳсга ўтиб кетилаверадиган бекорчи сухбатга айлантириб қўяди. Натижада мунозарадан кўзланган мақсадга эришмай қўп вақт зое кетади. Иккинчи масала шуки, бузук фикрларни ёювчилар мағлубиятга учраганларида, ҳақорат қилишга ҳамда мунозара қилаётган шахсга ва даъватчи шахсларга хужум қилишга ўтадилар. Бу билан даъват ёювчини ҳам ҳақоратга жавоб беришга ёки ўз шахсини ва даъват ёювчи шахсларни ҳимоя қилишга тортадилар. Бундай ҳолатда даъват ёювчи хушёр бўлсин ва ўз шахсини ва даъват ёювчи бирор шахсни ҳимоя қилишга киришмасин. Шунингдек, ҳақоратларга жавоб беришдан эҳтиёт бўлсин. Зоро, бу каби ишлар фикратдан ва чуқур фикр юритишдан буриб қўяди. Бузук фикр эгалари эса айнан шуни хоҳлайдилар. Шунинг учун баҳсни фақат фикрлар доирасига ва фақат даъват доирасига чеклаш зарур. Шунингдек, баҳс қилинадиган фикрлар иккала тараф ҳам баҳс вақтида мурожаат қилиш учун иккала тараф томонидан келишилган фикрлар бўлиши лозим. Агар икки тараф ҳам асос сифатида бу фикрларга келишмас эканлар мунозарага кириш мумкин эмас. Чунки баҳс бу ҳолатда мунозара деб хисобланмайди.

35. Баҳс-мунозара мавзуи Ҳизб қабул қилган исломий раҳйлар, фикрлар ва хукмлар бўлиши ҳамда улар билан тарбиялаш вожиб. Шунинг учун даъват Ҳизб орқали ва Ҳизб номи билан бўлиши, Яъни даъват Исломдан иборат бўлиши, фаолият эса исломий ҳаётни қайта бошлаш учун бўлмоғи лозим. Исломий даъватни ёяётган ва исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият олиб бораётган – Ҳизб ут-Тахрирdir. Ҳизб жамиятнинг халоскори – Ислом эканлигига ва унга ҳаёт баҳш этувчи нарса – исломий даъватни ёйиш эканлигига жамиятни шубҳа сизиб кирмайдиган даражада аниқ ишонтироғи зарур. Ҳизб бу ишончни жамиятда хар лаҳзада кучайтириши лозим. Шунингдек, жамиятнинг Ҳизбга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва Ҳизбина даъватни ёйиш ва Уммат

етаклашни аъло даражада амалга оширишига ишончини мустаҳкамлаш зарур. Шунинг учун Ҳизб жамият билан бирикиб кетиши, Ҳизб аъзолари Ҳизб билан бирикканлари каби одамлар билан бирикиб кетишлари лозим. Уммат Ҳизбни ўзининг ҳизби эканлиги ва бутун Уммат ҳизб эканлигини ҳис қилиб идрок этмоғи лозим. Мана шу билан Уммат табиий ҳолда битта ҳизбга айланади ва бигта сафда юради.

36. Ҳизб Уммат аҳволини идрок этиши зарур бўлганидек, мустамлакачиликни давват ва Ҳизбга нисбатан хушёр турганини ҳам идрок этмоғи лозим. Чунки мустамлакачилик Исломга ва исломий давватга қарши уруш эълон қилган. У Исломий давлатни йўқ қилди ва уни вужудга келишига тўсқинлик қилиш учун имкони борича ҳаракат қилди. У Ислом мағкурасига зид бўлган мағкурани ёймоқда ва уни исломий мамлакатларда ўрнашиб қолиши учун ҳаракат қилмоқда. Ҳизб Исломий давлатни ўзидан хаёт низоми келиб чиқадиган мағкура сифатида ёяётгани ва исломий давватни бутун оламга ёядиган Ислом давлатини исломий оламда барпо қилишга ҳаракат қилаётгани сабабли, мустамлакачилик унга қарши туриши ва унга, Исломга қарши кураш олиб бориши муқаррардир. Шунинг учун мустамлакачиликнинг йўллари ва услубларини билиш учун уни англаб етиш зарур. Мустамлакачиликни англаб етиш шуни кўрсатадики, у доимо мусулмонларни, Исломни ва исломий ҳаракатларни кузатиб келмоқда. Унинг бу кузатуви ўтмишда унга катта фойдаларни келтирди. Мустамлакачи мусулмонларни кузатиб туриш орқали уларни бўйсундиришга ва исломий фикратдан уларни узоклаштиришга кодир бўлди. Унинг Исломни кузатиши ҳам унга катта манфаат келтирди. Бунинг натижасида у капиталистик – демократик тушунчаларни мусулмонларга олиб кирди ва уларни исломий тушунчалар деган эътибор билан мусулмонларга сингдирди. Мустамлакачиликнинг исломий ҳаракатларни кузатиши орқали исломий ҳаракатларни ғарбий тушунчасидаги диний ҳаракатларга, ватанпарварлик ҳаракатларига айлантира олди. Ўзгартира олмаган ҳаракатни эса йўқ қилди. У ҳамон улкан телескоп билан кузатишда давом

етяпти, у орқали мусулмонлар кўра олмаётган нарсаларни кўряпти.

37. Мустамлакачиликнинг мусулмонлар, Ислом ва исломий ҳаракатлар устидан кузатуви Ҳизб ут-Тахрирни англашга ва уни исломий оламдаги энг тўғри, соғлом ўюшма эканлигини идрок этишга олиб борди. Унинг Ҳизбнинг бундай англаши Исломни факат ибодат ва ахлоқдан иборат дин сифатидаги тасвирлашга уринаётган Исломни эмас, балки мабда сифатидаги Исломни англаб етишга олиб борди. Ҳамда Ҳизбнинг ва Ҳизб сақофатининг турли даражалардаги кучли таъсирини кўрган вақтда мусулмонларни англаб етишга олиб борди. Кўпчиликни наздида бу англаш барвақтрок эди. Чунки Ҳизб бошланиш нуқтасини энди қисман босиб ўтган ва ўзи яшаётган жамиятдаги одамларга ҳали намоён бўлмаган эди ва кўпчилик одамларга эса мустамлакачилик қандай қилиб бундан тез англаб етгани ҳали маълум эмас эди. Лекин мустамлакачиликнинг ифлослиги, унинг Исломга ва мусулмонларга нисбатан хйла-найрангларини ва Ислом давлатининг тикланишидан доимий қоркувда туришини ҳамда Исломий давлат уни илдизи билан суғуриб ташлашга чекланиб қолмай, балки оламда биринчи давлат мақомини олишга ва даъватни ҳар бир инсонга етказишидан хабардор кишилар биладиларки, мустамлакачи улкан телескоп билан доимий кузатиш орқали одамлар кўра олмаётган нарсаларни кўряпти. Шунинг учун ўз нуфузи остидаги минтақаларда ҳокимларни турли воситалар билан бўйсундиришга уриниши ажабланарли эмас. Бундан кўзлаган мақсади – исломий мамлакатларда исломий китоблардан фойдаланишини тақиқлаш, уларни одамлар қўлидан тортиб олиш, уйларга бостириб кириб китобларни ахтариш, уларни қўлга киритиб ёқиб юбориш, мусулмонларни ўз мамлакатларида кўчиб юришларини ман этиш, уларни қамоққа олиш, яшаш жойларини муайян маконларга чеклаб кўйиш, уларни текшириб туриш, доимо назорат қилиш. Бу ишларнинг барчаси мусулмонлар Ислом мафкурасини кўтариб чиққанлари ва одамларни Исломга даъват этганлари учунгина эди. Ваҳоланки, даъват ҳали ҳалқаларда

дарс олиш ва масжид сабоқларидан нари ўтмаган, бошқача айтганда мурожаат шаклига ўтмаган эди. Мустамлакачи кофирнинг бу ишларидан ажабланмаса хам бўлади. Чунки у Исломнинг инсонга бўлган таъсиридаги ёндирувчи куч-куватни ва уни муслимга қандай таъсир этишини билади. Шунингдек, мустамлакачи Исломга имон келтирган мўминлардаги буюк кувватни, уларнинг фикр ва туйғуларни ўзгартиришдаги таъсирларини билади. Шунинг учун исломий давлатнинг муваффакиятига ва Исломий давлатнинг барпо бўлишига тўсқинлик қилиш учун имкониятида бўлган барча воситаларга ёпишиб олади.

38. Шунинг учун Ҳизб мустамлакачини, у юрган йўлларни, у кўллаётган услубларни англамоғи ва уларни одамларга фош этмоғи лозим. Бутун Умматни мустамлакачи кофирни, унинг йўллари ва услубларини англаб етадиган қилмоғи лозим. Шунингдек, Ҳизб ёйилиш нуктасида турар экан бу мустамлакачига юзма-юз йўлиқа бошлишини билмоғи лозим. Чунки Ҳизб тез орада одамларга хитоб қиласи, уларнинг манфаатларини табаний қиласи ва мустамлакачиликнинг режаларини очиб ташлайди. Мустамлакачи бундай ҳолатда, хусусан, унинг режалари фош этилганда, кўллари боғлиқ ҳолда жим турмайди. Шу туфайли бу вақтда мустамлакачи кофир билан бевосита тўқнашув нуктаси ҳосил бўлади. Кўпинча, бу ҳолат унинг Ҳизб билан тўқнашувга уринишига олиб борган. Бироқ, у мусулмонларни бир-бири билан тўқнаштириш учун тайёргарлик кўрган ва бунга режаларини тузган. Кейин эса тез фурсатда мамлакат ахолисидан Ҳизб билан тўқнашадиган гурухларни тайёрлайди ва бу режани амалга ошириш учун қаттиқ ҳаракат қиласи. Мустамлакачи кофир барча умидлари пучга чиққандагина ўзи эгаллаган ҳандакларнинг охиргисида туриб уришаётгандагина Ҳизб билан юзма-юз йўлиқади ва ўзининг сўнгти қуролини ишлатади. Шунинг учун Ҳизб мамлакат ахолиси билан тўқнашишдан ўзини четга олмоғи ва мустамлакачиликни ёлғиз Ҳизб билан эмас, балки бутун Уммат билан тўқнашувини юзага келтирмоғи лозим. Шунинг учун Ҳизб бутун Умматни хизбга айлантироғи ва уни Ислом билан

бириктирмоғи ҳамда Ҳизбга нисбатан Умматнинг тўла ишончини пайдо қилмоғи ва унинг Ҳизбга онгли итоатини шакллантирмоғи лозим. Шунингдек, Умматни Ҳизб ва у давват қилаётган Ислом мабдаи етакламоғи лозим. Бу билан Уммат кучли бўрон каби ақл-идрок куч қувват билан битта сафда юради ва мустамлакачиликнинг тўла таъсири йўқ бўлиши учун у билан нафакат Уммат ўртасида, балки бутун мамлакат аҳолиси ўртасида ҳақиқий жанг бўлади. Ҳизб билан мустамлакачилик ўртасидаги бу жангни мустамлакачилик билан бутун мамлакат аҳолиси ўртасидаги курашга айлантириш муқаррар ва табиий ишдир. Бу иш Ҳизбдан Уммат душмани бўлган мустамлакачи кофирнинг Умматга қарши амалга ошираётган қабиҳликларини, разил тил бириктиришларини ҳамда Умматни хорлаш, унинг ўзини ва мабдаини йўқ қилиш учун тузайтган жирканч хийла-найрангини фош этишни тақозо этади. Бу билан бутун Уммат Ҳизб билан бирга исломий давватни ёйиш, Исломий давлатни барпо қилиш орқали исломий ҳаётни қайта қуриш вазифасини ўз зиммасига олади ва ғояга эришишга тўсқинлик қилиб турган барча тўсиқларни олиб ташлайди.

1954 йил

